

«Кизил Ўзбекистон» нинг шу йил 27 июл сонидида ўртоқ Назир Тўракуловнинг «Хамлет» таржимаси тўғрисида бир мақола босилиб чиқди.

Маққур мақола муносабати билан қуйидаги ўч нарсани қўпчиликка билдиришга шошиламан.

1. Назир ака «Хамлет» таржимасини келтирган мисолларига қараганда русча таржималарининг тизилмалиси (назмлиси) билан солиштирган. Холбуки мен таржима қилган нусха сочмали (насрли) бўлиб инқилобдан бурун босилган. Мен таржимага қиришганимдан бурун ў нусхани инглиз адабиёти билгичларидан ўртоқ Лан инглизчаси билан солиштириб қикиб, қўп жойларини мумкин қадар аслига яқинлаштириб берган. Маққур нусха хали ҳам ўртоқ Ланнинг қутубхонасида сақланади. Мен, ана ўша нусхадан бўлган таржима ўчунгина жавобгарман.

Таржима билан таржима орасида, айниқса тизмални билан сочмали орасида қатта фарқ бўлади.

2. «Хамлет»дай бир асарнинг таржимасида бир неча хато кетмасдан иложи йўқ. Ўша хатоларни хайрихохлик асосида қўрсатувчиларга ташакқуримни билдириб, қелажақда тузатишга ваъда бераман. Бир неча тўғри қўрсатилган таржима хатолари Назир ака мақоласида ҳам бор; бунинг ўчун ў қишига ҳам ташакқур.

3. Ўртоқ Лан қўлидаги нусхани олдириб мен қилгон таржиманинг оригиналига солишдириб қикиб, натижасини матбуотда зълон қилиш қерак. Бунинг ўчун яхши-яхши таржимонлардан иборат бир қўмисия тузилса яхши бўларди. Қўмисия тузиш вазифасини мен Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг республика қўмитасидан сўрар эдим.

Бошкармага хат. — Мазкур макола Н. Тўракуловнинг «Хамлет»га тухмат» («Кизил Ўзбекистон», 1936, 27 июль) номли чиқишига жавоб тариқасида ёзилган ва «Кизил Ўзбекистон»нинг шу йил 28 июль сонида эълон қилинган.

Назир Тўракулов (1892—1939) — йирик давлат арбоби, журналист, тилшунос олим. 20—30-йилларда вақтли матбуотда катор мақолалари, турли таҳаллуслар билан имзоланган шеърлари эълон қилинган. Катагон қурбонларидан.